



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2022

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайжон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамова Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Раҳбархон Муртазаева ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ.....	6
2. Дилором Бобожонова ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	17
3. Баҳодир Эшов ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛЛАРИ.....	26
4. Зумрад Раҳмонкулова МАҲМУД АМИН АФАНДИ “ИСТАНБУЛДАН ЎРТА ОСИЁГА САЁҲАТ”.....	34
5. Манзура Аминова ИБН ХОЛДУН ИЛМИЙ МЕРОСИНING ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ.....	41
6. Тўлқин Ахмедов ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ РУС-ТУЗЕМ МАКТАБИ: МАЪМУРИЙ ЭҲТИЁЖ ЁКИ МАДАНИЙ ЯҚИНЛАШУВ ЗАРУРИЯТИ?.....	48
7. Мансур Бойсариев ОЗАРБАЙЖОН ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	56
8. Фируза Жуманиязова ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ДАВРИЙ НАШРЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ (1941–1945 йиллар).....	64
9. Мухаммаджон Исамиддинов АНТИК ДАВР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНД ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.....	70
10. Баҳыт Кошанов, Ҳакимбай Отегенов, Гулчехра Ержанова ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ.....	79
11. Shohruhbek Mamadaliyev TURKISTON SHAHARALARIDA OCHLARGA YORDAM KOMISSIYASI FAOLIYATI TARIXIDAN.....	87
12. Gulnora Maxkamova XX ASR SAMARQAND KASHTALARI: XILLARI, USLUBLARI, ORNAMENT REPERTUARI (SAMARQAND DAVLAT MUZEYI NAMUNALARI MISOLIDA).....	93
13. Уктамжон Мансуров VI – XI АСРЛАР СУҒД ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ.....	100
14. Шоназар Матякубов XVI- XVIII- АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИДАН БИРИ-КУЛОЛЧИЛИК ТУРИ ТАВСИФЛАРИ.....	105

15. Отабек Махмудов «МИЛЛИЙ ТАРИХ» ВА «ТАРИХ ТАЪЛИМИ»ДА «ЖАҲОН ТАРИХИ»НИНГ АҲАМИЯТИ (лотин тилли тарихий манбалар ва замонавий ўзбек илмий адабиётининг қиёсий таҳлили медиевистик талқинда).....	109
16. Sayyora Mirsoatova, Aхrorbek Muxsidinov O‘ZBEKISTONDA MEZOLIT DAVRI YODGORLIKLARINING O‘RGANILISHI HAQIDA.....	122
17. Зухра Ражабова ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ СИЙМОСИННИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	128
18. Мафтуна Рузикулова ФАРҶОНА ВОДИЙСИНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ВА ИРРИГАЦИЯ ИШЛАРИ ТАРИХИДАН (1950 – 1970).....	134
19. Хасанбой Рахматиллаев ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА.....	139
20. Lutfiya Salomova AVSTRALIYA MILLIY ARXIVI FAOLIYATI HAQIDA.....	144
21. Наргиза Сейтимбетова ҚОРАҚАЛПОҶИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ.....	148
22. Shaxnoza Tursunova O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BENILYUKS DAVLATLARI BILAN XALQARO MUNOSABATLARINI RETROSPEKTIV TAHLILINING AYRIM JIHATLARI.....	156
23. Икромжон Умаров КЎҲИТАНГТОҶ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ҲУДУД БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ.....	161
24. Ма’мура Umarxodjayeva, Zilola Shodmonxo`jayeva, Nodira Xasanova O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYINING NOYOB XAZINASIDAN.....	174
25. Санъат Худайбергенов ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	178
26. Ҳабиба Ҳасанова 1917-1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА БОСМАХОНАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	186
27. Ра’но Qodirova 1936-1937 YILLARDA O'ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA TARIX FANINING O‘RGANILISHI (M.Asimov hisobot materiallari asosida).....	192


28. Қосим Қосимов ШАРҚИЙ БУХОРОДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ.....	196
29. Ислон Қаршиев МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁР ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ.....	203
30. Гулжаҳон Шайдуллаева ХАРАППА МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ТОПИЛГАН ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН МОДДИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИДА МАДАНИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ.....	209
31. Fotima Shirinova, Zumrad Kosimova XX ASRNING 20-30-YILLARIDA SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN SIYOSATI, UNING MONIYATI VA OQIBATLARI. SIYOSIY QATAG'ONLIK.....	222
32. Юлдаш Юлдашев ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ 555-ФОНДИНИНГ АРХИВ МАНБАШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	230
33. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ (Дашти қипчоқ мисолида).....	237
34. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ЖУЗЛАРИ (ўтроқ ва кўчманчилар ўзаро алоқларининг негизлари).....	246
35. Лазизахон Алиджанова ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ТИББИЁТГА ОИД ИЖТИМОИЙ ҚОИДАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	256
36. Дилрабо Қурбанова ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СИЁСАТИ.....	264
37. Камола Саипова УРУШ ДАВРИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК КЎРСАТИШИ.....	274
38. Аҳадулла Раҳматуллаев ТУРКИСТОНДАГИ МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОС ВА КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	280
39. Азамат Ктайбеков ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (2000-2016).....	288
40. Гулнора Худойберганава “АСКЕТИЗМ” ТУШУНЧАСИ ВА ДИНЛАРДА АСКЕТИК АМАЛИЁТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	293



Рахматуллаев Ахадулла Юсупжон ўгли,
Жиззах давлат педагогика университети тадқиқотчиси

ТУРКИСТОНДАГИ МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОС ВА КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР ФАОЛИЯТИ

For citation: Rakhmatullaev Akhadulla, ACTIVITIES OF LOCAL COUNTRYISTS AND COLLECTORS IN TURKESTAN. Look to the past. 2022, Special issue 3, pp.280-287

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7500964>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф замонавий тадқиқотлар асосида Туркистон ўлкасидаги коллекционерлар фаолияти ва ўлкашунослик борасидаги тажрибалар ҳамда ўлкашунослик тадиқотларига бўлган эҳтиёжларнинг ижтимоий-сиёсий асослари ёритиб берилган. Бундан ташқари, Туркистондаги ўлкашунос олимлар, тадқиқотчилар ҳамда маҳаллий коллекционерлар ҳақида манбалар таҳлили келтирилади.

Калит сўзлар: Туркистон, археология, ўлкашунослик, манбашунослик, коллекция, Туркистон тарихчилиги, музей.

Rakhmatullaev Akhadulla Yusupjon ugli,
Researcher of Jizzakh State Pedagogical University

ACTIVITIES OF LOCAL COUNTRYISTS AND COLLECTORS IN TURKESTAN

ABSTRACT

In this article, on the basis of modern researches, the author describes the activities of collectors in the Turkestan region and the experiences of local history, as well as the socio-political basis of the needs for local history research. In addition, an analysis of sources about local history scholars, researchers and local collectors in Turkestan is provided.

Key words: Turkestan, archeology, local history, source studies, collection, history of Turkestan, museum.

Рахматуллаев Ахадулла Юсупжон угли,
Научный сотрудник Джизакского
государственного педагогического университета

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ МЕСТНЫХ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВ И КОЛЛЕКЦИОНЕРОВ В ТУРКЕСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье на основе современных исследований автор описывает деятельность собирателей в Туркестанском крае и краеведческий опыт, а также социально-политическую основу потребности в краеведческих исследованиях. Кроме того, представлен анализ источников о краеведах, исследователях и местных собирателях в Туркестане.

Ключевые слова: Туркестан, археология, краеведение, источниковедение, коллекция, история Туркестана, музей.

XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб ўлка халқларининг ўтмиш тарихи ва маданиятини фаол тарзда ўрганишга киришган рус мутахассислари, ушбу тадқиқотларнинг муваффақиятли амалга ошиши учун маҳаллий аҳолининг пешқадам зиёлилари, илғор фикрловчи уламолари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатганлари ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд. Ўша даврларда Россия ижтимоий гуманитар фанининг дарғалари ҳисобланган Н.И.Веселовский, В.В.Бартольд, Е.Ф.Кал, А.Н.Самойлович, В.Л.Вяткин ва кўплаб бошқа таниқли олимлар ўзларининг Туркистон бўйича ўтказган тадқиқотларида маҳаллий ўлкашунослар, коллекционерлар ва қадимият ҳаваскорларидан катта амалий кўрсатмалар, қимматли йўл-йўриқ, маслаҳатлар олганликларини, ўз хотира ва ҳатто илмий асарларида бот-бот таъкидлаганлар.

Ўрта Осиё шароитида ҳам дастлабки археологик қазишма ишлари деярли Россиядаги каби XIX асрнинг иккинчи ярмида фақат топилмалар топиб коллекциялар йиғиш учун қазишмалар ўтказишни бошлаганлар. Ўша даврнинг йирик шарқшунос олимлари, табиатшунослар ва бошқа кўплаб олимларнинг Туркистон ҳудудига келиши билан бу ерда ҳам дастлабки ўлкашунослик, тарихни ўрганиш учун ёзма ва археологик материалларни тўплаш ишлари бошланди. Россиялик йирик шарқшунос олимларнинг бу ерда бошлаган экспедицияларида маҳаллий илмли-билимли одамлар ичида турк ва форс тилларини биладиган, араб алифбосида ёзилган қўлёзмаларни ўқий оладиган одамларни олиб юриб, биринчидан, қадимги тарихимиз бўйича жуда кўплаб материаллар тўплаган бўлсалар; иккинчидан, шу маҳаллий аҳоли орасидан чиққан шахсларни археологик қазишмалар олиб бориб тарихни ўрганиш мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар олиб борганлар.

Шунингдек, чор ҳукумати томонидан ижтимоий- тарихий фанлар олдидага реакцион руҳдаги туб жой халқлари турмуш тарзини этник жиҳатдан ўрганиш, уруғлар ўртасидаги муносабатларни ўрганиб, мазкур халқларни идора қилишда фойдаланиш вазифаси кўйилди. Рус археологлари олдида олтин, кумуш ва бошқа турдаги ноёб манбаларни аниқлаб, уларни Россияга зудлик билан жўнатиш чораларини кўриш вазифалари турар эди. Ҳар бир мутахассис Ўрта Осиёда нимани қўлга киритиш ва уни Россиядаги қайси илмий ёки давлат юқори ташкилотларига жўнатиш кераклиги тўғрисидаги йўриқномаларга эга эди. Шунинг учун ўлкага турли соҳа мутахассислари “десанти” ташланди. Улар мазкур йўриқлар асосида иш кўриб, нодир заргарлик, мисгарлик, дурадгорлик, наққошлик, хаттотлик, муҳрканлик, нумизматикага ва бошқа соҳаларга оид буюм намуналарини йиғишга киришиб кетдилар ҳамда бундай кенг қўламли ишда маҳаллий зиёлиларнинг ёрдамига таяндилар. Шунга кўра кўплаб маҳаллий билимдон кишилар ҳам бу ишларга жалб этилдилар.

Туркистонда археология, жуда ёш фан. Россияда бу фан XVIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлиб, XIX асрда анча ривожланган. Ўша вақтда олимлар Россия ерларида кўп топилган Ўрта Осиё қадимги танга пулларини тўплаб, уларни текшириб, Россия билан ўрта Осиё халқларининг қадимдан иқтисодий алоқада бўлиб келганлигини исбот этдилар. XIX асрнинг иккинчи ярмида, ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейин, бу ерга келган ҳар бир мутахассис ва саводли киши қалъалар харобасини, сунъий тепаларни, шаҳарлар харобаларини, қадимдан қолган бино харобаларини кўриб, уларнинг тарихини суриштира бошладилар. Натижада 1870-йилларда Тошкентда чиқа бошлаган газета ва журналларда бу тарихий ёдгорликлар ҳақида турли маълумотлар эълон қилина бошланди. Бундай харобаларни текшириш жараёнида, ҳатто «хазина» излаб баъзи тепаларни бузиб юборишгача ҳам бордилар.

Рус шарқшунослиги ўзининг ғоят катта илмий фаолияти билан маҳаллий тарихчиликка, шубҳасиз, катта таъсир кўрсатди. Рус шарқшунослари Туркистон тарихи юзасидан жиддий тадқиқот ишлари олиб бориш билан бирга, бу ишга ерли тарихчи ҳаваскорларни ҳам жалб қилиш, улар билан ҳамкорликда иш олиб боришга ҳаракат қилди. Туркистонга келган шарқшунослар маҳаллий тарихчи ва ҳаваскорлар ўртасида юриб ва яшаб, Ўрта Осиё тарихи ҳақида муҳим маълумотлар ва асарларни тўпладилар ва шу ҳақда тушунтириш ишлари олиб бордилар. Тошкентлик тарихчи Муҳаммад Солиҳ Қорахўжа ўғли ўзининг «Тарихи жадидаи Тошканд», деган асарида Искандар тўра исми бир рус олимнинг уйига келгани, у билан суҳбатлашгани ва Ўрта Осиё тарихига оид кўп саволлар бериб, баҳслашгани ҳақида ёзади. Искандар тўра аслида Александр Кун бўлиб, маҳаллий халқ қадимдан Александр исмини Искандар деб аташарди. Фақат А.Куннинг эмас, балки Ўрта Осиёга келган барча шарқшуносларнинг ҳам халқ орасида юриб тарихга оид саволлар бериши, айрим масалалар юзасидан баҳслашишлари ҳамда уларга йўл-йўриқлар кўрсатишлари, шубҳасиз, ерли халқлар ўртасида тарихга қизиқиш ҳиссини оширди. Бундай баҳслашувлар, савол-жавоблар маҳаллий халқ ўртасида «диний тус берилган» археологик ёдгорликлар ва тарихий ҳодисаларни аниқлашга, уларнинг сирини очишга ёрдам берди.

Ўша вақтда нашр қилинган «Туркистон вилоятининг газети», «Туркестанские ведомости» ва бошқа газета саҳифаларидаги маҳаллий тарихчи ва ҳаваскорлар томонидан ёзилган ёдномалар, ёдгорликлар ҳақидаги кичик-кичик хабарлар ва мақолалар, археологик коллекциялар рус шарқшуносларининг маҳаллий тарихчиликка самарали таъсир кўрсатганлигини ва ерли халқ орасида ҳам тарихга қизиқиш авж олганлигини кўрсатади. Рус шарқшунослиги бу туйғу ва интилишларни қизғин қарши олиб, қўллаб-қувватлаганлиги Туркистон тарихчилигининг ривожланиши учун янги саҳифа очиб берди.

Самарқандлик хаттот, мусаввир Мирзо Қосимов, тошкентлик савдогар, ҳаваскор коллекционер Ақром Асқаров, маҳаллий ўлкашунослар Мирза Абдулло Бухорий, Турди Мирғиёсов, самарқандлик шарқшунос, Улуғбек расадхонаси жойлашган ерни вақф хужжатлари асосида аниқлаган Абу Саид Махсум каби илғор фикрли зиёлилар рус олимларидан катта ёрдам ва маслаҳатлар олганларини ўз хотираларида ва ҳатто илмий асарларида бот-бот таъкидлаганлар. Туркистон археологияси ривожига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ақром Асқаров кичик кумуш медаль билан, Абу Саид Махсум эса 100 рубль пул билан мукофотланган[5:51-52].

Самарқандлик хаттот, мусаввир **Мирзо Қосимов** «ер юзининг сайқали» бўлган шаҳардаги мавжуд маҳобатли меъморий ёдгорликларнинг «нақши - нигори»дан маҳорат билан нусха олиш ва уларни тўплаш билан машғул бўлган. Шунингдек, у Жиззах яқинидаги Илонўтти дараси қоясига Мирзо Улуғбек ва Абдуллахон II томонидан битилган тарихий тош лавҳадан ҳам нусха кўчирган. Мирзо Қосимов ўзининг юқорида таъкидланган суратлар тўплами билан 1886 йилда Тошкентда ўтказилган Туркистоннинг хунармандчилик ва саноати кўргазмасида қатнашган ва махсус мукофотга сазовор бўлган[5:45].

Тошкентлик **Ақрам Асқаров** ўзининг кўп сонли, турли даврларга оид қадимий ашёлар коллекцияси билан шуҳрат қозонган. У Н.И.Веселовский раҳбарлигида Туркистонда ўтказилган қазув-қидирув тадқиқотларида бир неча марта қатнашган. Н.И.Веселовскийнинг таърифига кўра, Ақрам Асқаров, айниқса, қадимги тангаларни йиғишда катта тажрибага эга бўлган, у аксарият ҳолларда тангалардаги ёзувни беҳато ўқиган, зарб қилинган шаҳри ва санасини тўғри аниқлаган. Ақрам Асқаров коллекцияси ўз даври учун нафақат катта илмий қимматга эга, балки унинг коллекциячилик саъй - ҳаракатининг ўзи ўша давр учун Туркистон зиёлилари фаолиятидаги нодир ҳодиса ҳисобланган[7:4-5].

Ақром Асқаров 1884 йилда археологияга оид қазилма ишлари ўтказиш мақсадида Туркистонга келган профессор Н.И.Веселовскийга ёқиб қолади, ёрдамчи сифатида у билан бирга Бухорода, Фарғона водийсида ва бошқа жойларда ўтказилган археологияга оид тадқиқотларда қатнашади[4], тез фурсатда археология билимини ўзлаштириб олади. Шунинг учун ҳам у Н.И.Веселовскийнинг «тез фурсатда археологияга оид ишларни ўзлаштириб олди» деган юксак баҳосига сазовор бўлиб, археология соҳасида маҳаллий халқ орасидан етишиб

чикқан бирдан бир фан арбоби, амалиётчи билимдон сифатида танилди. Ақром Асқаров Н. И. Веселовскийдан Туркистондаги археологияга оид ёдгорликларнинг қайси бири муҳим ва қайси бири устида иш олиб бориш зарурлигини сўраганда, у унга маълум кўрсатмалар бериб турди.

Афросиёб ва унинг атрофидаги ёдгорликлар, Бухоро, Сирдарё, Фарғона вилоятларидаги тарихий обидаларни ўрганишда Ақрам Асқаров унга катта ёрдам беради. Ақрам Асқаровнинг маҳаллий аҳоли билан тезда тил топишиши, кўхна ёдгорликлар ҳақидаги билими, айниқса, археологияга оид асосий, таянч ёдгорликларнинг жойлашган ўрнини аниқ топиб бериши Н.И.Веселовский тадқиқотлари муваффақиятининг гарови бўлиб хизмат қилади ва у қазув тадқиқотлари жараёнида ҳақли тарзда машҳур олимнинг ўнг кўлига айланади[7:6].

1887 йилда «Рус Археология жамияти» Ақрам Асқаровни «Археология ривожига қўшган ҳиссаси учун» кичик кумуш медал билан мукофотлайди. Берилган кумуш медалга шундай сўзлар битилган: «Археология ютуқларига ҳисса қўшганлиги учун». Маҳаллий ўлкашунос ҳақида қуйидагилар гапирилган: «Асқаров Туркистондаги археологик йиғма материаллар топилишида катта хизмат кўрсатди. Бошқа маҳаллий вакиллардан фарқли равишда ташаббус кўрсата олди». Ўша давр матбуотининг берган хабарига кўра, у «ўз даврида туркистонликлардан чиққан машҳур, нодир археологик буюмлар йиғувчи ва Париждаги илмий археология жамиятининг аъзоси эди»[6]. Ақрам Асқаров вафоти арафасида (вафоти 1891 й.) ўз коллекциясини давлатга топширишни ва давлат одамлари саъй - ҳаракати туфайли илм-фанга хизмат қилишини таъминлашни васият қилган. Ушбу васиятга кўра, Ақрам Полвон Асқаров 1891 йилда вафот этгач, унинг коллекциясидан 504 та танга, жумладан, 5 та олтин, 321 та кумуш, 178 та мис танга Туркистон генерал-губернатори А.Б.Вревскийнинг шахсан кўрсатмаси билан Император Эрмитаж музейига топширилган[3:233-246]. Ҳозир ҳам Давлат Эрмитажида сақланмоқда.

Туркистон халқлари қадимиятини ўрганиш ҳаваскорларидан бири самарқандлик ҳаттот Мулла Қози ибн Мулла Абдурашид ўғли **Абу Саид Маҳсум** эди. Шайбонийхон мадрасасида мударрислик қилган Абу Саид Маҳсум ҳам қадимги буюмлар ҳавасманди ва тўпловчиси бўлган. Н.И.Веселовский сўзига қараганда, Мирза Абу Саид Маҳсум маҳаллий кишилар орасида «мусулмон адабиётида энг ўқимишли кишилардан бири» бўлган[7:7]. Бу ўқимишлилик унинг ўз қадрдон шахрининг ўтмиш тарихи, тарихий-маданий ёдгорликларини билишга бўлган синчков ва самимий муносабати билан қўшилиб кетган араб, форс ёзуви ва тилини мукамал билган Абу Саид Самарқанднинг тарихий-меъморлик ёдгорликларида, жумладан, Гўри Амир, Шоҳи Зинда мақбараси ва бошқа тарихий ёдгорликларда сақланиб қолган ва ўқиш анча қийин бўлган ёзувлардан нусха олишни муваффақиятли амалга оширган. Унинг кўчирган нусхаларидан Н.И.Веселовский, В.А.Крачковская, А.А.Семёнов каби таниқли рус шарқшунослари ўз тадқиқотларида кенг фойдаланишган[3:178-180].

Машҳур шаршунос олим В.В. Бартольд ҳам Абу Саид Маҳсум билан шахсан таниш бўлган ва ундан Султон Шоҳруҳ Мирзо замонидан Шайбонийларнинг сўнгги вакиллари ҳукмронлигига қадар даврга оид бўлган турли ёрлиқлар, ҳужжатлар ва вақфномалар олган[1:219].

XX асрнинг биринчи ўн йилиги охирларида В.Л.Вяткин раҳбарлигида Улуғбек расадхонаси қолдиқларни топиш мақсадида ўтказилган қидирув-қазув ишлари катта муваффақиятга эришади[7:7]. В.А.Шишкин таърифи билан айтганда, «қазув ишлари ўрта Осиё халқлари маданиятининг дурдона ёдгорликларидан бири, дунё миқёсидаги кашфиёт, рус ва чет эл илмий нашрларида катта мунозара ва муҳокамаларга сабаб бўлган Улуғбек расадхонасининг очилиши билан ниҳояланади»[8:5]. Қазув иши натижасида дунё аҳлининг баҳс-мунозаларига сабаб бўлиб келаётган Улуғбек расадхонаси ҳақидаги саволлар маълум маънода ўз ечимини топади.

Маълумотларга қараганда, дунё миқёсида шов-шувга сабаб бўлган ушбу кашфиётни очилишида Абу Саид Маҳсумни ҳам хизматлари катта бўлган. Абу Саид оғир касал бўлишига қарамай, Афросиёбда Вяткин ўтказаётган қазил ишларини бориб кўради. Ҳақиқатан ҳам расадхона ўрнини аниқлашда унинг хизмати мислсиз бўлди. Унинг муваффақиятли

яқунланишида ўзбек тилидан ташқари араб, форсий тилларни мукамал билган Шайбонийхон мадрасаси мударриси, шарқшунос олим Абу Саиднинг хизматлари бениҳоя катта бўлди. Вяткинга расадхона жойлашган тепаликни жуғрофий ўрнини Абу Саид вақф ҳужжатларини синчиклаб ўрганиб, ундаги маълумотларни оғзаки ҳолда, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маълумотлар, афсоналар билан солиштириб, тасодифий топилмалар қайд этилган жойларни ҳисобга олган ҳолда аниқ кўрсатиб берган. Аммо, Шўро мафкураси фаннинг барча соҳаларида фақат рус олимларининг биринчи бўлишига урғу берганлиги боис расадхона очилишида Абу Саид Махсум номи ёзилмай, уни фақат Вяткин номи билан тарихга киритган эдилар.

Лекин, ўз даврида Абу Саид Махсумнинг Туркистон ўлкаси археологияси ва шарқшунослиги ривожига қўшган ҳиссаси рус олимлари томонидан рўйи – рост тан олинган ва тақдирланган. 1909 йилда Ўрта ва Шарқий Осиёни ўрганиш комитети уни расадхона очилишига муносиб ҳисса қўшган, В.Л. Вяткиннинг фаол ёрдамчиси сифатида 100 рубль пул мукофоти билан тақдирлайди. Абу Саидни мукофотлаш тўғрисида В.В.Бартольд ёзган тавсияномада... “В.Л.Вяткин берган маълумотга қараганда, Улуғбек расадхонаси ўрнини аниқлашда ва уни қазиб очишда Абу Саидни фикрлари ва кўрсатган амалий ёрдами ғоят қимматли бўлган” деган сатрлар мавжуд[3:182].

Самарқандлик муаррих Абу Тоҳирхожанинг “Самария” асарини 1899 йилда В.Л. Вяткин томонидан рус тилида, 1904 йилда Н.И. Веселовский томонидан форсийда нашр қилинишида хизматлари катта бўлган Абу Саидни ўша даврдаги фан олими етарли даражада баҳолай олмаган дейиш мумкин. Аммо, археологияга қўшган муносиб ҳиссаси учун кичик кумуш медаль билан мукофотланган тошкентлик ҳаваскор археолог Акрам Асқаровдан сўнг бу Туркистон археологияси тарихидаги навбатдаги қувончли воқеа эди.

Абу Саид Махсум Улуғбек расадхонаси очилганидан сўнг, биров вақт ўтиб, 1910 йилда вафот этади. Оғир хасталикка учраган Махсум умрининг сўнгги кунларига қадар Афросиёбда В.Л.Вяткин ўтказаетган қазилма ишлари жойига бориб турган[7:8].

Туркистон ўлкаси қадим тарихи ва маданияти ўрганилишининг яна бир жонкуяри, самарқандлик ўзбек, таниқли коллекционер ва ўлкашунос **Мирза Абдулла Бухорий** бўлиб, ўз даврининг илғор фикрловчи зиёлиларидан бири эди. У қадимги ашёларни йиғиш ва уларни ўрганиш билан узоқ йиллар давомида шуғулланган. Н.И.Веселовский 1880 йилларда Туркистон ўлкасини ўрганишга киришгандан сўнг қолган маҳаллий коллекционер ва ўлкашунослар қаторида Мирза Абдулла билан ҳам алоқа боғлаган.

Мирза Абдулла Бухорий касби бўйича иккичи гильдияли савдогар бўлиб, маҳаллий ипак жун ҳамда ип-газлама буюмлари фабрикасининг хўжайини эди. 1878 йили у Тошкентда кўргазма ташкил этишда иштирок этади ва кўргазмага хонатлас, турли рангдаги аёллар бош кийими ва ҳар хил рўмоллардан иборат ноёб тўплам тақдим қилади. Мирза Абдулла савдогар Муҳаммад Шокир билан бирга «Ипак буюмлари ишлаб чиқаришни анча такомиллаштиргани ва кенгайтиргани» учун олтин нишонга сазовор бўлади. У 1886 йилги Туркистон кўргазмасида ҳам қатнашади. Мирза Абдулла келтирган ипак маҳсулотлар томошабинлар диққатини ҳамиша жалб этган. Улар тезда сотилиб кетган ва ана шу газламалари учун у мукофот олган эди. Мирза Абдулла Н.И.Веселовский билан ҳам ҳамкорликда бўлган. Н.И.Веселовский Мирза Абдулла ноёб тўпламларини кўриб, ундан 1202 та буюм, шу жумладан, 11 та тилла ва 77 та кумуш танга, 951 дона чақа, 18 та муҳр ҳамда одамлар, ҳайвонлар ва бошқа нарсалар тасвири туширилган 6 та нодир тош ҳайкалча сотиб олган[7:7].

Янги топилган қадимги ёдгорликлар ҳақида Мирза Абдулланинг маҳаллий матбуотда тез-тез чиқиб туриши император археология комиссияси аъзоларида қизиқиш уйғотди. Улар коллекциялари билан таништиришни илтимос қилиб, Туркистон генерал-губернатори Г.О.Розенбах орқали унга мурожаат этдилар. 1888 йилнинг 21 октябрида Мирза Абдулланинг розилиги билан Петербургга 6 қути қадимги танга ва бошқа осори атиқалар юборилди. Мирза Абдулла Бухорий уларга ҳеч қандай нарх қўймади, балки «бу топилдиқларни комиссия ихтиёрига биноан мукофот тариқасида хазина фойдасига топшириш» истагини билдирди. Ҳаммаси бўлиб жўнатилган 6300 қадимий антиқа буюмларнинг кўпчилиги комиссия

томонидан қабул қилинди. 1888 йили комиссия бу буюмлар ичидан Эрмитаж учун тунждан ишланган шарқ ойнаси билан мис кўзани танлаб олди.

1889 йилда Мирза Абдулла 13 та олтин ва мис танга, 1890 йилда эса Эрмитаж учун 11 та сопол идиш юборди. Мана шуларнинг ўзиёқ маҳаллий ўлкашуносларнинг ёки савдогарларнинг катта миқдордаги ноёб экспонатларнинг ўлкамиздан чиқиб кетишида фаол иштирок этганлигини кўрсатади. Бу ҳам тарихимиз ва маданиятимизнинг энг бой осори атиқаларидан ажралиб қолишни таъминлашда салбий рол ўйнаган эди.

Ажойиб санъаткор - хаттот **Мирзо Барот Мулло Қосимов** Самарқанд ва унинг атрофларидаги кўпдан-кўп қадимги замон ёдгорликлари суратини чизган ва тўплаган. У, Улуғбек мадрасасининг ҳам ғоят аниқ эскизини тайёрлаган эди. Мирзо Абдулло Абдурахмон, А.Л.Куннинг Искандаркўл илмий сафарида қатнашиб, қадимги тошларга ёзилган хатлар қайд қилинган маълумотларни тўплаган ва унинг юритган кундалиги муҳим археологик манба саналади. Туркистон ўлкасида туғилиб ўсган кишилардан бир қанчаси фойдали қазилмалар топиш ва уларни тавсифлаш, қадимги замон ёдгорликларини қидириб топиш каби ишларда иштирок этганлар.

Маҳаллий коллекционер ва хаваскор археологлардан яна бири Еттисув вилоятида археология билан шуғулланган **Турди Мирғиёсов** бўлиб, у археологияга оид нарсаларни ўн олти йил тўплаган. Мирғиёсов А.А.Диваевга ёзган мактубида Тўқмоқ райони чеккаларида, жумладан ирригация ишлари олиб борилаётган жойда қадимги шаҳар вайроналари борлигини хабар қилган. Мирғиёсовнинг ўзи бу жойларда қазилма ишларини олиб бориб, эътиборга молик нарсаларни топган. У бу қадимги шаҳар ғиштларини маҳаллий кишилар беҳаёларча ташиб кетаётганлигини куюниб таъкидлаган. “Биз Вернийга учта телеграмма юбордик-деб ёзади у. - Аммо ҳеч қандай жавоб олмадик. Орадан яна уч йил ўтса, бу нодир минорадан ҳеч нарса қолмайди. Қисқача қилиб айтганда, Туркистонлик археологлар бу ердаги қадимги ёдгорликларни ўз паноҳига олишмаса фан ва тарих учун қимматли манбаларнинг ҳаммаси йўқ бўлади ва авлодлар қарғишига учраймиз”[5:51-52]. Бу мактуб Туркистон халқларининг моддий ва маънавий маданияти ёдгорликларига чор ҳокимияти беписандларча муносабатда бўлганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Сатторхон Абдуғаффоров ҳам рус шарқшунослигининг бевосита таъсири остида тарихчилар қаторидан ўрин олган. У 1876 йили Петербургда чақирилган III халқаро шарқшунослар съезидига А. Кун, Жўрабек, тошкентлик Муҳаммадқулов, Абдулла Ниёзов ва Бухоролик Мусажон Саиджоновлар билан бирга Туркистон вакили бўлиб қатнашади. У Туркистонга русларнинг келиши билан ўлкага рус фани ҳам кириб келганлигини таъкидлаб, бу орқали Туркистон дунё фанидан янада кўпроқ баҳраманд бўлишига ишонч билдирди. Ў ўзининг бу нутқи билан съезд қатнашчиларининг диққатига сазовор бўлди. Рус тилини кунт билан ўрганган Сатторхон рус тилида “Россиянинг истилосига қадар Қўқон хонлигининг ички аҳволи ҳақида қисқача очерк” номли асарини ёзиб, “Туркестанский ведомости” газетасининг 1892 йил 26, 36- сониди ва 1893 йил 61- сониди бостирди. Асарда Қўқон хонлигининг маъмурий бўлиниши, бошқарув идоралари, шаҳар ва қишлоқдаги амалдорлар, уларнинг ҳуқуқлари, ҳоким ва бекларнинг меҳнаткаш халққа нисбатан тутган сиёсати, гуноҳкорларга бериладиган жазолар, қўшиннинг тузилиши, шунингдек, синфий курашлар, яъни Хўжанд ва Ўратепада хонликка қарши кўтарилган кўзғолонлар, Тошкент ҳокими Мирзааҳмадга қарши халқ кўзғолони ва унинг кўзғолончилар талабига рози бўлиши, Қўқон хонлигининг чор Россияси тарафидан босиб олиниши каби масалалар ёритилган. Маҳаллий ўзбек тарихчисининг рус тилида шундай бир тарихий асар билан майдонга чиқиши рус шарқшунослигининг бевосита катта таъсирини кўрсатади. Бу асар рус шарқшунослиги учун ҳам катта аҳамиятга эга эди.

Самарқандда тадқиқот олиб борган шарқшунослар катта коллекцияларни ташкил қилдилар. Масалан Самарқанддаги фабрика эгаси Мирзо Бухарин Мирза Абдуллин археологик-нумизматик коллекция ишларига ўз хиссасини қўшди. Унинг коллекциялари тадқиқотчилар томонидан таҳлил қилиб чиқилган. Мирза Барот Мулло Қосимов (Самарқанд) рассом-коллиграф бўлиб, Самарқанддаги қадимги ёдгорликларни альбом тариқасида тузиб

чикишни амалга оширди. Самарқанддаги Улуғбек мадрасасида тадқиқот ишлари олиб борилди. Абу Тоҳир Хожанинг “Самария” асаридаги маълумотлардан фойдаланган.

Ўрта Осиё моддий маданиятининг тарихи аста-секинлик билан бўлсада ўрганилиб борилди. Бу ўлкани археологик ўрганишнинг биринчи босқичи бўлиб ҳисобланади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, маҳаллий аҳоли, ўлкашунослар, ҳаваскорлар, коллекционерлар таркиби ошиб борганлигини айтиш мумкин. XIX аср 80-йилларидаёқ Тошкентга амалдорлар, ўқитувчилар, врачлар гуруҳлари тузилди. Улар Туркистон ҳаваскор археологлар тўғарагининг келгусидаги бўлгуси аъзолари эди. Туркистон ўлкасининг тарихий-маданий ўтмишини ўрганиш масалаларини муҳокама қилдилар. Улардан баъзилари у ёки бу кўринишда Тошкент илмий-ўлкашунослик ташкилотига аъзо бўлдилар. Улардан бири Тошкент Эркаклар Гимназиясининг директори Н.П.Остроумов эди. Расмий махсус археологлар муассасаси ҳисобланган-Петербургда археология комиссияси билан яқин алоқада бўлган.

Бир гуруҳ тараққийпарвар рус зиёлилари - археология ҳаваскорлари ҳозирги тарих музейини ташкил этиб, ҳар жойда топилган археологияга оид ёдгорликларни бу ерга тўплашга киришдилар. Рус шарқшунослари Н.И.Веселовский, В.В.Григорьев, И.Каллаур, В.В.Бартольд, В.Л.Вяткин, шунингдек, ўзбек археологларидан Акромполвон Асқаров ва бошқалар бу ёдгорликларни тарихшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш ишида ташаббусчи бўлдилар. ўрта Осиёнинг чўллари, тоғлари ва қишлоқ ерларидаги баъзи ёдгорликлар ҳақидаги турли афсона ва хабарларни матбуотда эълон қилиш одат бўла борди. Бу ишга қозок, ўзбек, тожик, туркман ҳаваскорлари ҳам тортилди.

Ҳозир Тошкентдаги тарих, санъат ва табиат музейларида тўпланган бой археологияга оид ашёлар тўпламининг катта қисми ўша ҳаваскорлар томонидан XIX асрда йиғилган.

Бундан ташқари, улар бир қанча муҳим ёдгорликларда қазилма ишлари ҳам олиб бордилар. Бу борада, айниқса, археолог-шарқшунос В.Л.Вяткиннинг хизматлари алоҳида таҳсинга лойиқдир. Рус шарқшунослари бузиб ташланган Улуғбек расадхонасининг изларини топиш учун кўп уриндилар, ниҳоят, Самарқандда истиқомат қилувчи В.Л.Вяткин, Абу Маҳсум ёрдамида ва қадимги васиқаларни ўрганиш асосида расадхонанинг ўрнини аниқлади. 1908-1909 йилларда бу жой археологик йўл билан қазилди ва расадхонанинг ғилдирак шаклдаги биносининг курсиси, бинонинг бузилган ғишт ва нақшлари ҳамда расадхонанинг саккиздан бир қисми топилди. Бу иш тарих фани учун катта кашфиёт бўлди. Шу билан бирга, археология ҳаваскорлари қадимги Самарқанддаги «Афросиёб» тепалигида бирмунча қазилмалар ўтказдилар[4].

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, XIX асрнинг сўнгги чорагида бошланган Туркистон археологиясини ўрганиш ишларида маҳаллий зиёлилар вакиллари ҳам қатнашиб, муайян малака ва тажрибаларни тўплай бошлашган. Холислик нуқтаи назаридан қайд этиш лозимки, 1895 йилда Тошкентда В.В.Бартольд ташаббуси билан ташкил этилган Туркистон Археологияси ҳаваскорлари тўғараги ҳам ўлка қадимшунослигини ўрганишга муайян ҳисса қўшган илмий жамоатчилик ташкилоти сифатида тарихда қолган. Амалда 1917 йилгача фаолият кўрсатган тўғарақнинг асосий вазифаси Туркистон ўлкасидаги қадимий ёдгорликлар, шарқ кўлёмалари, тарих, адабиёт, табобатга оид нодир китоблар, нумизматика ва этнографияга оид топилма ва коллекцияларни қайд қилиш, ҳисобга олиш ва ўрганишдан иборат эди.

Хуллас, XIX аср охири XX аср бошларидаги Туркистон ўлкасида олиб борилган археологик изланишлар Туркистон тарихшунослиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. ўрта Осиё аҳолисининг, жумладан, ўзбек халқининг қадимий моддий маданият ёдгорликлари ўрганилишига дастлабки қадамлар қўйилди. Ушбу жараёнларда маҳаллий халқнинг илғор зиёлилари, ўз ватанининг ўтмиш ёдгорликлари билан қизиқувчи Мирзо Қосимов, Акрам Асқаров, Мирзо Абдулла Бухорий, Абу Саид Маҳсум, Турди Мирғиёзов каби қадимги осори-атиқалар, чақа тангалар тўпловчи ҳаваскор ўлкашунослар ва археологларнинг илк намоёндалари шаклланди.

Шундай қилиб, XX асрнинг 20- йилларига қадар олимлар ва туркшунос ҳаваскорларнинг кучлари билан Туркистон ўлкасини ўрганишга доир анчагина материаллар тўпланган. Бироқ буларнинг орасида узук-юлуқ ва тасодифий материаллар анчагина бўлиб, кенг, илмий асосда умумлаштирилмаган эди.

Ўрта Осиё, шу жумладан, Туркистон тарихини илмий асосда ўрганиш фақат асримиз бошларида ва ундан кейинги йилларда самарали ва фидокорона иш олиб бориш натижасида яратилди ва у янада чуқурлаштирилди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Бартольд В.В. Отчёт о командировке в Туркестан // ЗВОРАО. Т. XV, С-Пб. 1904. – С. 19.
2. Лунин Б.В. О нумизматической коллекции узбекского собирателя древностей Акрама Аскарова (по архивным данным) // ИМКУ. Вып. 5. Ташкент, Фан, 1964. – С.233-246.
3. Лунин Б.В. Самаркандский любитель древностей и каллиграф Абу Саид Махзум // ИМКУ. Вып. 7. – Ташкент, Фан, 1966. – С.182.
4. Развитие научного краеведения и истории в Туркестанском крае в конце XIX - начале XX вв. // http://testhistory.ru/history.php?id=his_1_91. 2015-yil 18-aprelda olindi.
5. Садыкова Н. Музейное дело в Узбекистане. – Ташкент, Фан, 1975. – С.45.
6. Туркестанские ведомости, 1912, № 46
7. Ширинов Т.Ш., Бердимуродов А.Э., Пардаев М.Ҳ. Ўзбекистонда археология фанининг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан // Ўзбекистон археологияси. – Самарқанд, 2010. № 1.
8. Шишкин В.А. Обсерватория Улугбека и её исследование // Труды института истории и археологии АН УзССР. Т. 5. – Ташкент, 1953. – С.5.

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000